O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
310309



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 10 март, № 50 (4713) Сешанба

# САЛОМАТЛИК ВА ЧИНИҚИШ МАСКАНИ

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда 2002 йилда Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши оммавий спортни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.***




**Болалар спорти**

Жамғарманинг асосий мақсадларидан бири болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат экани кўрсатиб ўтилган. Кейинги йилларда жамғарма маблағлари ҳисобига республикамизнинг турли бурчакларида, чекка-чекка қишлоқларида бир-биридан чиройли замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди. Ана шу мажмуаларда тарбияланаётган ёшлар орасидан юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Бундан икки йил муқаддам Жиззах туманидаги 14-мактаб ҳудудида "Мерос" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан 42/24 метр ўлчамли замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилган эди. Мажмуа қурилишига Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан 380,0 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда мажмуа жажжи спортсеварларнинг севимли масканига айланиб улгурган. Мазкур спорт кошонасида юзлаб ёшлар 20 дан ортиқ спорт тўгаракларидаги машғулотларда ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Муҳими, ўтган қисқа вақт мобайнида бу ердаги тўгаракларда қатнашган ёшлар орасидан вилоят биринчилиги ва республика чемпионатлари совриндорлари етишиб чиқди. Айниқса, Нилуфар Абдураҳмонова қўл тўпи бўйича, Элёр Йўлдошев ва Ҳасан Жонузоқовлар бокс бўйича вилоят терма жамоаси сафида турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишаяпти.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Тошкент кимё технологиялари институти олимлари томонидан нефть-газ қазиб олиш, гидрометаллургия соҳаларида коррозияни бартараф этувчи ингибитор ишлаб чиқилди.***

## Камхарж ва самарали маҳсулот

Маҳаллий хом ашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари асосидаги мазкур ишланма айни пайтда четдан келтирилаётган "Додикор 4543", "Додикор 4712", "Викор", "Уротропин" каби маҳсулотларнинг ўрнини босади. Ўтказилаётган тажриба ва саноат миқёсидаги тадқиқотлар кашфиётнинг камхарж ҳамда самарали эканини кўрсатмоқда.

Айни пайтда ушбу маҳсулотни нафақат нефть-газ қазиб олиш ва узатиш қурилмаларида, балки бошқа соҳаларда ҳам қўллаш имкониятларини ўрганиш мақсадида изланишлар давом этмоқда.

**О. ПАРПИЕВ.**

***«IQNET» — сертификатлаш идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.***

## «IQNET»нинг ўзбекистонлик биринчи аъзоси

Ҳозирда мазкур ташкилотнинг 36 та аъзоси мавжуд. Яқинда Фарғона синов ва сертификатлаш маркази халқаро "UCO-9001-2000" стандартларини жорий этишда қўлга киритган амалий натижалари учун ушбу нуфузли ташкилотга қабул қилинди.

Гап шундаки, мазкур марказ мамлакатимизда биринчилардан бўлиб корхоналарда сифат тизимини жорий этишга киришган эди. Ҳозирда 7 та корхона шу тизим доирасида фаолият кўрсатиб, сифатга эришиш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанд давлат университетида ЮНЕСКО ва Марказий Осиё илмий тадқиқотлар институти ҳамкорлигида илмий-амалий семинар ташкил этилди.***

## Осиё олимлари Самарқандда

Қоя тошларга ўйиш санъати мавзусидаги мазкур тадбирда мамлакатимиз ҳамда Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатларининг археолог олимлари иштирок этди.

Анжуманда истиқлол йилларида юртимизда маданий меросни тиклаш, тарихий ва меъморий ёдгорликларни таъмирлашга катта эътибор берилаётганлиги, ўнлаб қадимий обидаларимизнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Марказий Осиё ҳудудидаги қоя тошларга ўйиш санъати намуналарини ҳам ЮНЕСКО рўйхатига киритиш таклифи билдирилди.

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Аёл мўътабар зот. У бор экан, муҳаббат мавжуд, меҳр-оқибат барқарор. Аёли оқила юртнинг фарзандлари ҳам мард ва зукко бўлади. Аёли улуғланган, қадр топган мамлакат эса файзга бурканади.*

# МЕҲР-МУҲАББАТ АРДОҒИДАМИЗ

**Дил сўзи**

Юртбошимизнинг биз, хотин-қизларга йўллаган байрам табригини жон дилим билан ўқир эканман, юксак қадру эъзозга муносиб кўрилган, бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётган биз, аёлларнинг қадримиз баланд, қаддимиз тик эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Самимий тилаклар ўз ифодасини топган ушбу табрикда Президентимиз хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида шундай илиқ фикр билдирганлар: "Олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги ғоят мураккаб даврда сиз, муҳтарама опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида – бу давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни, халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди".

Бу эътироф юртимиздаги ҳар бир хотин-қизни эзгу ишларга чорламоғи муқаррар. Чунки аёл зотига бу қадар эҳтиром ва эъзоз ҳеч бир юртда мавжуд эмаслиги аниқ. Биргина ўзим фаолият юритаётган соғлиқни сақлаш соҳасини олайлик. Мустақиллик йилларида ушбу тизимда асрга татигулик оламшумул ишлар амалга оширилди. Президентимиз раҳнамолигидаги бу хайрли юмушлар замирида, энг аввало, юртимиз хотин-қизлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ўз тасдиғини топмоқда. Зеро, мамлакатимизда она ва бола саломатлигини асраш, айниқса, бўлажак оналарнинг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлидаги беминнат ғамхўрлик давлат аҳамиятига молик долзарб вазифалардан бири саналади. Энг муҳими, бугун соғлом, руҳи тетик аёлдан юртнинг эртанги тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган баркамол авлод дунёга келади, деган эзгу тилак ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидаги гапдир.

**Онесия САИТОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

*Аёл бўлиб, шу юртда туғилганимга, шундай мамлакатда яшаётганимга доимо шукрона келтираман. Чунки хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бизда энг эзгу қадриятлардан бири саналади. Бундай олижаноб муносабат, айниқса, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида янада юксак чўққига кўтарилди.*

Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини катта ҳаяжон билан қарши оламиз. Ўлкамизга соғиниб кутганимиз баҳорнинг илиқ нафаси кириб келган шундай лаҳзаларда Юртбошимиз мамлакатимиздаги барча аёлларга ўзларининг самимий дил сўзлари битилган табрикларини йўллайдилар. Унда айтилган тилак ҳамда фикрлар бизга янги куч бағишлайди, руҳимизни кўтариб, эртанги кунимизга бўлган ишончимизни янада орттиради. Эътироф этилганидек, бугун аёлларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида эркаклар билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда. Уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, барча жабҳаларда самарали иштирокини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, аёлларни улуғлаш ва эъзозлаш учун ҳали кўп иш қилиниши зарурлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Мана шундай амалий вазифалар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастуридан ҳам ўрин олганлиги қувонарлидир. Чиндан ҳам, опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик, касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ҳамда спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ҳамда мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

**Шоҳида СОДИҚОВА, социология фанлари номзоди.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида МДҲ мамлакатларида биринчи бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг муваффақиятини белгиловчи энг муҳим жиҳатлардан бири — бу унинг ёнида жойлашган трансконтинентал интермодал хаб бўлиб, у 2009 йил январидан буён юк ташиш бўйича дунёда етакчи саналган "Кореан Эйр" компанияси томонидан бошқарилмоқда.***
***2009 йил 5 март куни Сеулда "Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона — кореялик шериклар учун Ўзбекистондаги янги инвестицион имкониятлар" мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА ТАЙЁРМИЗ

**Биз ва жаҳон**

Анжуманда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи энг истиқболли лойиҳалардан бирининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад — Корея Республикасидаги ишбилармон доиралар вакилларини Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона, хорижлик инвесторларга таклиф этилаётган имтиёзлар билан кенг таништириш эди.

Сеулдаги "Лотто" меҳмонхонасининг 1200 кишига мўлжалланган конференциялар зали иштирокчилар билан тўлди, мавзуга қизиқиш шу қадар кучли эдики, анжуман ишини кўпчилик, ҳатто тик туриб эшитишига тўғри келди.

Юртимиз ишбилармон доирлари вакилларининг делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов раҳбарлик қилди. Делегация таркибидан шунингдек, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, нуфузли тадбиркорлар ўрин олди.

Конференцияни Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су табрик сўзи билан очиб бергани Корея ҳукумати мазкур анжуманга катта эътибор берганининг яққол тасдиғи бўлди. У, жумладан, Корея билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар йўлга қўйилганини таъкидлаб, ўзаро ҳамкорлик кудан-кун кенгайиб, янада мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди ва Навоийда ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунинг далили бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик хати ўқиб эшиттирилди. Унда таъкидланишича, «бизнинг Корея Республикаси билан бўлган жадал суръатдаги ҳамкорлигимиз 2006 йилда ўрнатилган стратегик шериклик асосида ривожланиб, бу, ўз навбатида, нефть, газ, уран, қимматбаҳо ва ноёб металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, тўқимачилик, машинасозлик ва автомобилсозлик соҳаларидаги муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратиб берди».

Автомобиль, темир ва ҳаво йўлларининг энг муҳим чорраҳасида жойлашган Навоий шаҳри аэропорти Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди. Яқин вақт ичида Навоий шаҳри аэропорти ҳаво қатнови орқали Осиё ва Европанинг Сингапур, Деҳли, Бангкок, Франкфурт ҳамда Милан каби йирик шаҳарлари билан боғланади.

Тақдимот маросимида таъкидланганидек, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида махсус солиқ, божхона ҳамда валюта режимлари, резидент бўлмаганлар учун кириш ва чиқиш, ишлаш учун рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Бундан ташқари, ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, ягона солиқ тўловидан озод қилиш каби чоралар кўзда тутилган.

Анжуманда бир неча йилдан буён Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган кореялик бизнесменларнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши берадиган янги имкониятлар тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Конференция давомида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошувчи 35 та инвестицион лойиҳа ва битимлар имзолангани анжуман нақадар муваффақиятли ўтганидан далолат бериб турибди.

Учрашув доирасида, шунингдек, ҳамкорликнинг устувор йўналишларига бағишланган тематик давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда нефть ва нефть-газ, газ ва газ-кимё, тўқимачилик, электротехника саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, туризм соҳаларидаги аниқ инвестицион лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги иқтисодий муносабатлар суръати кундан-кун юксалиб бормоқда. Биргина 2008 йилда Ўзбекистонга Корея ишбилармон доираларининг 80 дан зиёд делегацияси ташриф буюрди. Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши билан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортиб, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу нафақат Корея компаниялари, балки бошқа мамлакатлар ишбилармонларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда Корея Республикаси ишбилармон доиралари Ўзбекистон-Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва Навоий шаҳрида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.

**Корея Республикаси ер, транспорт ва сув ресурслари вазири Чун Чжон Хван:**

— Корея билан Ўзбекистон кўп жиҳатдан бир бирига ўхшайди. Кореянинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат урушдан кейинги бир неча ўн йил ичида иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаб, иқтисодиёт ва саноат ҳажми бўйича дунёдаги ўн биринчи мамлакатга айланганини кўришимиз мумкин. Юртимизнинг бундай жадал суръатдаги ўсишига фақатгина халқимизнинг тараққиётга бўлган интилиши, фидокорона меҳнати эвазига эришилди.

**(Давоми 2-бетда).**

**Ўзбекистон Бадиий академияси Бухоро шаҳрида**

## «КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО»

**мавзуидаги ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича кўрик-танлов эълон қилади.**

**Диққат, танлов!**

**Танлов шартлари:**

— ёдгорлик мажмуаси тимсолида Бухоронинг қадимий тарихи, саховатли замини, ўзига хос табиати ва қиёфасини, бу гўзал ва буюк шаҳар дунё тургунча турсин, деган эзгу ғояни бадиий йўсинда чуқур акс эттириш зарур;

— мажмуанинг кўриниши Бухоро шаҳрида қурилаётган Санъат саройи биноси ҳамда унинг атрофида бунёд этиладиган учта фаввора билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиши даркор;

— ёдгорлик мажмуаси узоқдан кўзга яққол ташланадиган ва эътиборни ўзига тортадиган, муҳташам ва бетакрор бадиий обида бўлиши лозим.

Танловда барча профессионал ва ҳаваскор ҳайкалтарошлар қатнашишлари мумкин.

Яратиладиган эскизларнинг ўлчамлари ва ашёси муаллиф ихтиёрига ҳавола этилади.

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 40-уй манзили бўйича жорий йилнинг 10 апрелига қадар Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.

Танлов ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган мажмуа лойиҳаси муаллифлари тақдирланади.

**Ўзбекистон Бадиий академияси.**




# Инвестиция миқдори ортмоқда

**2008** йилда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан **6,4** миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

**Республикамизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш мақсадида қулай инвестиция муҳити яратилгани бу борада асосий омил бўлди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА ТАЙЁРМИЗ

Агар мамлакатимизни Ўзбекистон билан солиштирадиган бўлсак, ўзбек халқи ҳам тараққиёт ва фаровонликка эришиш учун астойдил ҳаракат қилаётганини таъкидлаш жоиз бўлади. Лекин шу билан бирга Ўзбекистонда бизда бўлмаган табиий бойликлар ҳам мавжуд. Мамлакатингиз ўз саноат-ишлаб чиқариш базасини оқилона шакллантирса, логистика инфратузилмасини ривожлантирса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги оқилона сиёсатини такомиллаштирса — Ўзбекистоннинг муваффақияти таъминланишига ишончим комил.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқадиган йўли йўқ. Лекин Навоийдаги логистик хаб лойиҳасини амалга ошириш орқали мазкур камчиликни енгиб ўтиш мумкин. Бу ерда автомобил ва темир йўллари ҳаво йўллари билан уйғунлашади. Бу эса Ўзбекистонга иқтисодий тараққиёт борасида жиддий силжишга эришиш имконини беради. Корея компаниялари Навоий зонасидаги фаолиятини жадаллаштиришига ишончимиз комил ва улар Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишига умид қиламиз. Ўз навбатида, Корея ҳукумати Ўзбекистон бозорига чиқадиган кореялик бизнесменларни фаол қўллаб-қувватлайди.

Бугунги тақдимот Корея компанияларининг Ўзбекистондаги инвестицион фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қилиб, Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона уларнинг дунё бозорларига чиқишидаги ўзига хос плацдарм бўлишига умид қиламан.

**Ҳаво орқали юк ташиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланган "Кореан Эйр" компанияси вице-президенти Чанг-Хун Чи:**

— Илгари Кореяда ҳам экспортга йўналтирилган тузилмалар фаолият юритган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиш жараёни ёдимда. Бу — мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки берди. Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона кўплаб хорижий фирма ва компанияларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади.

Мамлакатингиз юқори малакали инсон ресурслари, ер ости табиий бойликлари ҳамда Марказий Осиёдаги қулай жўғрофий жойлашувга эга. Навоий сармоядорлар учун энг жозибали жойга айланишига ишончим комил.

Корея Республикаси янги технологияларга эга, Ўзбекистон эса уларни ҳаётга татбиқ этиш истагида. Агар биз мана шу икки жиҳатни бирлаштира олсак, бундан икки томон ҳам ютади.

Мамлакатларимиз президентлари — Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ташаббуси маҳсули бўлган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси яқин келажакда ўз ижобий натижасини беришига ишонаман.

**"ДЭУ Интернейшнл" кўп профилли (минерал ресурсларни қазиб олиш, молиялаштириш, энергетикани ривожлантириш, рангли металлар, газ ва нефть қазиб олиш, савдо, тўқимачилик) компанияси президенти Ким Чже Енг:**

— Ўзбекистон Республикаси минтақанинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда, муваффақиятли бизнес юритиш учун қатор қулайликларга эга. Юқори малакали инженер-техник кадрлар, такомиллашган қонунчилик базаси, арзон нархдаги муҳандислик-энергетика коммуникациялари Корея компанияларини мазкур бозорга жалб қилувчи омиллар ҳисобланади. Бошқа ижобий жиҳатлар шундаки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва уларнинг ҳудудига ўз тайёр маҳсулотларини божхона тўловларисиз экспорт қилиш имконига эга. Ўзбекистон бой минерал ресурсларга эга бўлиб, аминманки, сиёсий барқарорлик шароитида инвестицияларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига энг янги технологияларни татбиқ қилиш жараёни ҳам давом этади. Буларнинг бари яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатдаги ўсишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Ўзбекистон бозорига 1993 йилда кириб борди. Компания автомобилсозлик, молия, савдо, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, мобиль алоқа, электроника, тўқимачилик соҳаларида фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистондаги учта тўқимачилик фабрикамизга энг замонавий ускуналар ўрнатганмиз. Бу каби кенг миқёсли ишлаб чиқаришни нафақат Ўзбекистон, балки Кореяда ҳам учратиш мушкул. Мазкур корхоналарда ип газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Европа мамлакатлари, Япония, АҚШ бозорларига етказиб берилади. Айни пайтга қадар қиймати 470 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич 500 миллион доллардан ошади деган ниятдамиз.

Шу орқали биз ДЭУнинг Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтирдик. 1997 йилги молиявий инқирозни енгиб ўтиб, "ДЭУ Интернейшнл"га айланган ДЭУ Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишда давом этмоқда.

Ўзбекистон бозоридаги фаолиятимиз давомида бу ердаги шерикларимиз ишончли эканига амин бўлдик. Ўзбекистон билан алоқаларимизни давом эттиришга тайёрмиз. Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона эса мазкур ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш учун яхши имкониятдир.

**"Корея Плэннев" (қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири) раиси Хонг Чанг Хван:**

— Бугунги анжуманда иштирок этиб турганимдан ниҳоятда мамнунман. Ўзбекистонни мен яхши биламан, ажойиб мамлакатингизда фаолият юритганман. Ўйлашимча, Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонага бағишланган бугунги конференция, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига кучли туртки беради. Президент Ислом Каримовнинг оқилона, узоқни кўзловчи сиёсати Ўзбекистонга инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратмоқда. Юртингиздаги қонунчилик базаси ҳамда бизнес тизими ниҳоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, хорижий инвесторлар учун, айниқса, жозибадор. Шу боис мен кореялик шерикларимга инвестицияларни ҳеч иккиланмай Ўзбекистон иқтисодиётига киритиш керак эканини айтиб келаман.

**"Блюстар энерджи" энергетика компанияси президенти Шин Су Юн:**

— Бир неча йиллардан буён Корея билан Ўзбекистон дўстона алоқалар ўрнатиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда.

Аминманки, мамлакатларимиз томонидан бошланаётган янги лойиҳа самарали бўлиб, ҳар икки тарафга катта иқтисодий фойда келтиради. Мазкур лойиҳанинг тез орада ҳаётга татбиқ этилишига умид қиламан. Ўзбекистонда нафақат пойтахт, балки вилоятларни ривожлантиришга ҳам бирдек эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Собиқ совет иттифоқининг Марказий Осиёдаги барча республикалари ривожланишнинг тахминан бир хил даражасида эди. Уларнинг кўпчилигининг раҳбарлари иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва бунинг учун хорижий технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш ниятида эканини таъкидлар, лекин гап гаплигича қолиб кетди. Ўзбекистон бу режаларни амалга ошираётган минтақадаги ягона мамлакат бўлиб, янги замонавий технологияларни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга тайёр эканини амалда исботламоқда.

Бугунги тақдимот Ўзбекистонда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун катта миқёсдаги ишлар амалга оширилганини намоён этди.

Ҳозир давом этаётган жаҳон иқтисодий инқирози шароитида Кореянинг кўплаб компаниялари турли лойиҳалар доирасидаги инвестицион фаолиятини бироз сусайтирди. Аммо Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона кореялик ишбилармонларга инқироздан яхши натижалар билан чиқиш имконини беради, бунга ишончим комил. Шундай экан, бу имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмас.

**Газ қуйиш станцияларини етказиб берувчи "Блитикс" компанияси вице-президенти Ли Чан Сик:**

— Мазкур анжуманда иштирок этаётганимдан мамнунман. Илгари Ўзбекистоннинг иқлими, корейс халқиникига ўхшаб кетадиган ҳаёт тарзи, айрим урф-одатлари ҳақида тасаввурга эга эдим. Менимча, айнан мана шу ўхшашлик осонлик билан тил топишишимиз ва бугунга қадар ривожланиб келаётган дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига хизмат қилди. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлардан мамнунмиз. Шу боис биз ишончли ҳамкорларга айландик.

Бугунги конференцияда Навоий шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонадаги имтиёзлар, иш шароити тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонада фаолият юритадиган корхоналарга берилувчи имтиёзлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг ёрқин истиқболига бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Мен Ўзбекистондаги фаолиятимни икки йил муқаддам бошлаган эдим. Айни пайтда юртингизга ҳар ой бир-икки марта бориб тураман. Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зонада биз газ тўлдириш, компрессор станциялари ҳамда автомобиль газ колонкаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳани амалга оширмоқдамиз.

Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган мазкур лойиҳага 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирмоқдамиз. Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали Ўзбекистон билан Корея халқи ва ҳукуматини мамнун қиламиз деган умиддаман.

Ташриф доирасида делегация вакиллари Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су билан учрашди. Шунингдек, турли вазирлик ва идоралар, қатор компанияларда ҳам музокаралар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА.**

# ҚИЗҒИН МЕҲНАТ МАВСУМИ

***Қиш бўйи мудраб ётган заминни ҳут қуёши уйғотиб юборди. Бир пасда атрофни майса ҳидига қоришиқ тупроқ иси тутиб кетди. Беихтиёр халқимизнинг "Ҳут кирди – ер остига дуд кирди" мақоли ёдга тушади, шу дамда. Табиатнинг бундайин ўзгача оройишда уйғониши деҳқонни даласига чорламоқда.***

Дарҳақиқат, мамлакатимиз деҳқонларининг қизғин меҳнат мавсуми бошланди. Улар кўкламги юмушларни ўз вақтида, сифатли бажаришга интилмоқдалар. Бу бежиз эмас. Нега деганда, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосил салмоғини бугунги бедор кунлардаги меҳнат белгилаб беради. Чигит экиладиган ер майдонлари сифатли тайёрланиб, ниҳоллар бир текис ундириб олинса, ғаллазорларнинг баҳорги озиқлантириши кечиктирилмаса, ҳар доимгидек, мўл ҳосил олинади. Шу боис юртимизнинг деҳқон ва фермерлари далаларда танда қўйган. Улар ўтган йилдагидан-да юқори натижани қўлга киритишга аҳд қилишган.

**Жараён**

Таъкидлаш керак, 2008 йилги табиат инжиқликларига қарамай, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олинди: 3 миллион 410 минг тонна юқори сифатли пахта, 6 миллион 330 минг тонна сара дон етиштирилди. Бундан ташқари, эл дастурхонига кўп миқдорда мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тортиқ қилинди. Дунёнинг кўпгина давлатларида экологик муаммолар таъсирида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора пасайиб кетаётган бир пайтда бизда бундай кўрсаткичга эришилгани эътиборга лойиқдир. Бу Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётимизнинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг жадал ривожлантирилаётгани, уларнинг меҳнат қилишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар шарофатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йил ҳосили учун 1351,3 минг гектар ерда ғалла экини парваришланаяпти. Шунинг 1145,5 минг гектари суғориладиган ерлардадир. Асосий майдонларда буғдойнинг тупроқ-иқлим шароитимизга мос бўлган "Крошка", "Половчанка", "Краснодар-99", "Таня", "Чиллаки", "Замин-1", "Андижон-1", "Бобур" ва "Дўстлик" навлари экилган. Қишловдан беталафот чиққан экин яхши парваришланаётгани туфайли ҳозирги ҳолати кўнгилдагидек, барқ уриб ўсмоқда. Соҳа мутахассисларининг айтишича, экин туплаш жараёнини ўтаб, жанубий минтақалардаги майдонларнинг 55-60 фоизида найчалай бошлади. Бу ғаллазорлар бугунга қадар 1 марта тўлиқ озиқлантирилиб, иккинчи озиқлантириш ишлари жадал олиб юборилаётгани, суғориш шарбат усулида олиб борилаётгани, далалар бегона ўтлардан тозаланаётгани самарасидир.

Айтиш жоизки, ғаллазорларни озиқлантириш учун 6423,6 минг тонна маҳаллий ўғит жамғариб қўйилгани айни муддао бўлди. Улар ҳар беш гектар ерга биттадан қазилган жами 229 мингдан ортиқ ҳандақлар орқали қатор ораларига оқизилаяпти. Бу усул сувни тежаш баробарида ғалланинг нисбатан эрта етилишига, баракали ҳосил беришига хизмат қилади, албатта.

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, баҳорнинг бошланиш ойи — ҳут баъзан қишнинг ҳукмида қолади. Жорий йилда ҳут қутли келди. Деҳқончилик учун қулай об-ҳаво бўлаяпти. Табиийки, бу ер етилиши жараёнини тезлаштиради. Демак, чигит қадашга тобора оз фурсат қолаётир. Буни яхши англаган деҳқонлар экин-тикинга тайёргарлик ишларини авж олдиришган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тезкор маълумотларида келтирилишича, бугунга қадар 771,7 минг гектар майдон шўр ювишга тайёрланиб, шунинг 820 минг гектарида бу тадбир бажарилди. Шунингдек, кунига 7,6 минг гектардан, мавсум бошидан буён эса 554 минг гектар майдон жорий текисланди. Пушта олиш ишлари ҳам жадаллашган. Белгиланган 466,1 минг гектар ернинг 250 минг гектарида пушта олиб бўлинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида ноанъанавий экинлар ҳам парваришланмоқда. Бу масала жорий йилда ҳам эътибордан четда қолмади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида кунгабоқар, масхар, кунжут сингари мойли экинлар майдонини 12 минг гектарга кенгайтириш вазифаси белгилаб берилгани фикримиз далилидир. 2009 йилда бундай экинлар етиштириладиган 71,6 минг гектар ер сифатли шудгорланмоқда.

Тақдирини ер билан боғлаган инсон борки, бугун у даласида бедор. Бажарилаётган ишларнинг барчаси эртанги кунимиз ҳозиргидан-да яхши, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишидек эзгу мақсад сари йўналтирилган. Аслида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ҳам шу.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Мавсум**

***Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан аҳолини шахсий томорқа, ер участкалари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.***

# ТОМОРҚА – ТЎКИНЛИК МАНБАИ

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида томорқадан бир йилда икки-уч марта ҳосил олаётган, яхши даромад қилаётган хонадонларни кўплаб учратиш мумкин.

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманилик Ойбек Қурбонбоев ўзининг мўъжазгина иссиқхонасида эртаги ва кечки кўчатлар етиштириш орқали йилига 4-5 миллион сўм фойда олаётир. Қуролой Деҳқонова эса кичкина анжирзорнинг ўзидан йилига тўрт ярим-беш миллион сўм даромад қилади.

— Анжир қаторлари орасига экилган резаворлардан оиламиз эҳтиёжидан ортиб қоладиган даражада ҳосил оламиз, — дейди Қуролой Деҳқонова. — Бу неъматлардан шаҳарликлар дастурхонига ҳам етказиб бермоқдамиз.

Наби Махмирзаев эса томорқасида маккажўхори ва дон етиштиришни йўлга қўйиб, кичик паррандачилик фермаси ташкил этди. Ўтган йили у 300-500 бош курка боқиб, 8 миллион сўмдан зиёд соф даромад кўрди.

Т. Ғуломов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси «Истиқлол» фуқаролар йиғини ҳудудидаги томорқада етиштирилаётган мева-чева, сабзавот ва кўкатлар туман маркази ва Гулистон шаҳридаги деҳқон бозорларига пешма-пеш етказиб берилаётир.

**Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРДАН КУЧ ОЛАДИ

*Ғаллаорол туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сафи кенгайиб, субъектлар сони 400 тадан ошди. Уларда икки ярим мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.*

Жумладан, Қангли қишлоғидаги "Арслонбек-Ойбек" хусусий фирмасида миллий либослар, зардўзлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Ушбу фирмада 20 киши ишга жалб этилган.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик бизни янада баракали ишлашга ундайди, — дейди мазкур фирма раҳбари Гулнора Мардиева. — Ўтган йилда "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали кўмагида замонавий тикув машиналари сотиб олган эдик. Ишга жалб этилган ўн нафар касаначи тикувчилик ва каштачилик бўйича буюртмаларни вақтида бажариб келмоқда. Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Интилиш**

Шунингдек, корхонада қишлоқ қизлари учун ўқув йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда 60 нафар қиз тикувчилик ва зардўзлик сирларини ўрганмоқда.

**СУРАТДА:** тикувчи Дилноза Саримсоқова иш устида.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**



***Хўжалик юритишнинг умум эътироф этган қонун-қоидалари бор. Булар ичида энг муҳими – сарфланган харажатга нисбатан олинажак даромад салмоғи юқори бўлиши, яъни пировардида мусбат натижага, фойда кўришга эришилмоғи шарт. Мамлакатимиз давлат бюджетининг кейинги йиллардаги ижросини таҳлил қиладиган бўлсак, якунда муттасил профицит билан ниҳоялашга эришилаётгани маълум бўлади. Профицит — бу даромад харажатдан кўп, деган маънони англатади.***

# БАНКРОТЛИКДАН — БАРҚАРОРЛИККА

## Бозор қонуниятларига таянган корхоналар юксалишга юз тутмоқда.

2008 йил якунлари билан танишганимизда ижобий ўсишларнинг кузатилиши ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур уйғотиши табиий. Негаки, дунёдаги бир қанча давлатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам молиявий инқироз туфайли иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетаётган бир пайтда ўсишга эришганимиз ўз кучимизга, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди.

2009 йилда ҳам олға кетишимиз зарур. Албатта, бунга фақат эзгу ниятнинг ўзи кифоя қилмайди. Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган мамлакатимизда муваффақиятлар изчиллигини таъминлаш учун асослар етарли. Шулардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда имзоланган "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

2009 йил ҳамма учун синовлар йили бўлиши аввалдан маълум эди. Хўш, дунё бўйлаб кезиб юрган молиявий инқирознинг олдини олиш, у келтириши мумкин бўлган оқибатларни юмшатиш учун нималар қилиш керак? Мазкур Фармон маълум маънода ана шу саволга жавоб берди. Унда белгиланишича, 2009 йил 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатига олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши керак. Агар устав жамғармалари ана шу миқдорга етмаса, уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайтадан ташкил этиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу ислоҳотларга дахлдор идоралар — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Банклар уюшмасининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Фалон корхона банкрот бўлибди, деган хабар кимлар учундир «Энди ҳаммаси тамом" маъносини англатиши мумкин. Лекин иқтисодиётда банкротлик қонунининг жорий этилиши ўша субъектнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, қаддини тиклаш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобида юртимизда молиявий инқирознинг таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар ҳақида аниқ қоида ва хулосалар ифода этилган. Шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар жиҳатдан эътирофга сазовордир.

Ўз-ўзидан аёнки, иқтисодиётда кўп нарса маблағ билан боғлиқ. Президент Фармонида бу масала тўлиқ ҳисобга олинган. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси ана шу муҳим вазифани зиммасига олди. Тижорат банкларига корхонани қайта тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан корхоналарни сотиш бўйича аукцион ҳамда танлов савдоларининг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш Комиссия ваколати деб белгиланди.

Банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш (балансга бериш)нинг 3 та механизми мавжуд. Биринчиси — банкрот корхонанинг кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоизи ва ундан ортиғини банк кредитлари ташкил этса, тижорат банкларига бериш; иккинчиси — аукцион савдолари орқали (энг кўп нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни зиммасига олган) тижорат банкларига сотиш; учинчиси — танлов савдолари орқали тижорат банкларига ноль қийматга инвестициявий мажбурият шарти билан сотиш.

**Таҳлил**

Бу ўринда тижорат банкларига берилган корхона негизида янги ташкил этилган хўжалик субъекти уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк ва ер солиқларини тўлашдан, бошқарув компанияларига берилганда фойда солиғи ва ягона тўловдан икки йил мобайнида озод қилиниши муҳим имтиёзлардир. Тижорат банкларига эса банкрот корхоналарни қабул қилишда қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш, устав жамғармаси 100 фоизгача бўлган янги корхона ташкил этиш, тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан, ҳукумат кафолати билан ажратилган кредит маблағини, банк кенгашининг қарорига кўра, ҳисобдан чиқариш, малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш, тугатиш баҳосида сотиб олиб, фаолиятини тиклаб, уни бозор баҳосида сотиш каби имтиёзлар берилди.

Модомики, мақсад иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш экан, бу жараёнда қатнашувчи тижорат банкларига аниқ мажбуриятлар ҳам юклатилиши талаб этилади. Чунончи, тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асосий мажбуриятлардир. Шунингдек, ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиш орқали амалиётга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш, банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналарни келгуси фаолияти устидан Комиссияга ҳисобот бериб бориш ҳам муҳим мажбуриятлар сирасига киради.

Эътиборлиси, инсон манфаатини, халқ фаровонлигини кўзда тутган ушбу механизм 2009 йилнинг дастлабки икки ойидаёқ ўзининг самарасини бера бошлади. Фармонда зиммасига вазифа юклатилган идораларнинг изчил фаолият юритишлари натижасида 200 га яқин эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли банкротлик механизми орқали чоралар кўрилмоқда. Ҳозирги пайтда 115 га яқин корхоналарнинг маҳсулотлари таннархини энг камида 20 фоизга пасайтириш, экологик экспертиза, архитектура-режалаштириш топшириғи, кадастр каби монопол хизматларнинг тарифларини ўртача 2 баробарга камайтириш ишлари тугалланмоқда.

Келинг, шу ўринда "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида маҳсулот таннархини 20 фоизга камайтириш бўйича амалга оширилган тажрибани кўриб чиқайлик. Ушбу корхонада таннархни оптималлаштириш учун импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш, материаллар сарфи меъёрларини ўзгартириш, маҳаллийлаштириш салмоғини кўпайтириш орқали таннархни камайтириш, технологияни янгилаш, фойдаланилаётган қувватларни консервациялаш, ишчилар ва ходимлар сонини мақбул ҳолга келтириш каби омиллар ишга солинмоқда.

— Бозор иқтисодиёти табиатини ҳисобга олган механизм туфайли, — дейди "ТТЗ" ОАЖ директори ўринбосари Раҳматжон Мамадалиев, — тракторлар таннархини 17 фоизга, прицеплар таннархини 22 фоизга арзонлаштиришга эришмоқчимиз. Шу пайтгача трактор 31,4 миллион сўм баҳоланган бўлса, жорий йилдан 26,1 миллион сўм, прицеплар тегишли равишда 7 миллион сўм ўрнига 5,4 миллион сўмга баҳоланадиган бўлди.

Бу мисоллар катта ишнинг бошланиши, холос. Бугунги давр талабларини ҳис қилиб ишлаётган раҳбар ва мутахассислар ўз зиммаларидаги вазифаларни тўлиқ англаб олганларидагина ижобий натижаларга эришиш мумкин. Президентимиз юритаётган иқтисодий сиёсат талабларига кўра, аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш, одамларимизнинг бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаёт кечириши учун шароит яратиб бериш, иқтисодиётимизга ва хўжалик юритувчи субъектларга ҳар томонлама эркинлик бериш, хусусийлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни монополиядан холи қилиш ва соғлом рақобатни ташкил этиш муҳим ҳаётий масалалардир. Катта ишонч ва вазифа юклатилган раҳбарлар масъул бўлган жойда одамлар дастурхонида, оилавий аҳволида, рўзғор тебратишида яхши томонга ўзгаришлар содир бўлишидек талаб давримизнинг бош мезонидир. Мазкур мезон тарозисини эса халқнинг ўзи белгилайди. Унга жавоб қилган инсон эл назарига тушади, унинг дуосида униб-ўсади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 906,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2179,55 |
| 1 Дания кронаси | 241,33 |
| 1 БАА дирҳами | 386,04 |
| 1 АҚШ доллари | 1417,87 |
| 1 Миср фунти | 253,87 |
| 1 Исландия кронаси | 12,58 |
| 1 Канада доллари | 1101,86 |
| 1 Хитой юани | 207,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 381,66 |
| 1 Польша злотийси | 384,38 |
| 1 СДР | 2083,93 |
| 1 Туркия лираси | 793,44 |
| 1 Швейцария франки | 1225,15 |
| 1 евро | 1992,82 |
| 10 Жанубий Корея вони | 9,11 |
| 10 Япония иенаси | 144,59 |
| 1 Россия рубли | 39,67 |
| 1 Украина гривнаси | 184,14 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ҳеч ким жабрланмади

***Афинанинг Неа-Иония туманидаги "Citibank" биноси яқинида портлаш содир этилди.***

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Қўпорувчилик ҳаракати оқибатида ҳеч ким жабрланмаган. Хунрезлик сабаб бино олдидаги автомобиль сақлаш жойида турган бир нечта машина шикастланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, февраль ойида ҳам "Citibank"нинг бошқа бир биносига портловчи қурилма ўрнатиб кетилгани аниқланганди. Ўшанда у ўз вақтида зарарсизлантирилгани боис фалокатнинг олди олинганди.

Мазкур ҳаракатлар ортида ким тургани ҳозирча номаълум.

## Тунги клубдаги босқинчилик

***Ямайканинг Монтего-Бэй шаҳридаги тунги клублардан бирида отишма юз берди.***

Ахборот агентликлари маълумотларига кўра, беш нафар қуролланган шахс клубга бостириб кириб, у ердагиларни ўққа тутган. Босқинчилик оқибатида тўрт киши ҳалок бўлган ва яна тўрт нафар одам турли даражада тан жароҳати олган. Полиция ушбу нохушлик жиноий гуруҳлар ўртасидаги келишмовчилик оқибатида юзага келган бўлиши мумкинлигини билдирмоқда.



## Торнадо оқибати

***"CNN" телеканали хабарига қараганда, АҚШнинг Индиана штати жанубий қисмида торнадо содир бўлган.***

Табиий офат бир қанча тураржой биноси ва газ узатиш тизимига зарар етказган. Натижада ҳудудда газ сизиб чиққан. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу кўнгилсиз ҳолат бартараф этилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, табиатнинг бу инжиқлигидан тўрт киши жароҳатланган.

## Кўлга қулаб тушди

***Уганда марказий аэропорти яқинида юк ташиш самолёти ҳалокатга учради.***



Бу ҳақда маҳаллий "Simba" радиостанцияси маълумотлари асосида "Associated Press" агентлиги ахборот тарқатди. Ҳозирча ҳаво лайнерининг ҳалокатга учраши сабаблари борасида маълумотлар йўқ. Гувоҳларнинг айтишича, самолёт ҳавода турган вақтидаёқ ёна бошлаган ва аэропорт яқинидаги Виктория кўлига қулаб тушган.

Бахтсиз воқеа туфайли ўн киши ҳалок бўлгани айтилмоқда.

## Энг арзон қўл телефони

***Жорий йилнинг май ойидан бошлаб Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатларда дунёдаги энг арзон қўл телефонлари сотувга чиқарилади.***

Мазкур алоқа воситалари замонавий аппаратлардан ҳеч бир жиҳатдан қолишмайди. Уларда мусиқа тинглаш, радио эшитиш ва суратга олиш ҳам мумкин. "El Vergatario" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган мазкур телефонларга 14 АҚШ доллари миқдорида нарх белгиланган.

Айтиб ўтиш керак, шу пайтгача жаҳон алоқа бозорида энг арзон (20 АҚШ доллари) қўл телефонлари 2008 йилнинг февраль ойида Ҳиндистоннинг "Spice" компанияси томонидан тақдим этилганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг энг йирик молиявий муассасаларидан бири сифатида иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолига истеъмол ва ипотека кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратиш жараёнида фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳам банк жамоаси ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, унинг ҳажмини камида икки баробар оширади.

Бунинг учун барча фуқаролар ўзи яшаб турган ҳудуддаги Халқ банкининг бўлимларига аниқ бизнес-режа ва лойиҳалар билан, янгидан фаолият бошламоқчи бўлган тадбиркорлар эса ўз истакларини билдирган ҳолда, консалтинг хизматларига мурожаат қилишлари мумкин.

Мазкур масалаларда банк фаолияти билан боғлиқ муаммолар юзага келган тақдирда, банк бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар филиалларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари»га мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»:**

| | |
|---|---|
| Банк бошқаруви — | (8-371) 273-61-14, 150-12-97, 150-12-81. |
| Қорақалпоғистон Республикаси — | (8-361) 224-04-17, 770-62-70. |
| Андижон вилояти — | (8-374) 222-16-47, 222-16-49. |
| Бухоро вилояти — | (8-365) 770-00-74, 223-76-54. |
| Жиззах вилояти — | (8-372) 222-45-49, 771-61-79. |
| Қашқадарё вилояти — | (8-375) 225-01-15, 771-04-81. |
| Навоий вилояти — | (8-436) 532-01-89, 770-34-77. |
| Наманган вилояти — | (8-369) 226-30-72, 226-69-21. |
| Самарқанд вилояти — | (8-366) 234-28-97, 230-82-02. |
| Сурхондарё вилояти — | (8-376) 222-76-15, 222-77-42. |
| Сирдарё вилояти — | (8-367) 221-04-00, 221-03-99. |
| Фарғона вилояти — | (8-373) 224-32-03, 224-42-51. |
| Хоразм вилояти — | (8-362) 770-42-00, 226-32-42. |
| Тошкент вилояти — | (8-371) 150-12-38, 150-15-96. |
| Тошкент шаҳри — | (8-371) 244-36-96, 245-35-35. |

Лицензия № 35


***"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси муҳандислик-техник марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.***

## ЯНГИ АВЛОД ТАРМОҚЛАРИГА ЎТИЛМОҚДА

Тадбир

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х. Муҳиддинов Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг муҳим вазифалари, жумладан, қишлоқда турмуш сифатини тубдан оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилганини таъкидлади.

Айни пайтда барча АТСлар сиғими 2099,8 минг рақамга етди, АТСларни рақамлаштириш даражаси 88,8 фоизни ташкил этди. Халқаро Интернет канални янада кенгайтириш натижасида 2008 йил охирида унинг умумий ҳажми 825 Мбит/сни ташкил қилди.

Қишлоқ телекоммуникация тармоқларида умумий сиғими қарийб 362,3 минг рақамни ташкил этадиган 1553 дан ортиқ телефон станциясидан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда республикамизда барча болалар боғчалари ва меҳрибонлик уйлари, лицейлар, коллежлар, мини-банклар, шифохоналар, поликлиникалар, санаторийлар телефон алоқаси билан тўлиқ таъминланди.

2009 йилда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш, кенгайтириш ва ривожлантириш, янги турдаги хизматларни жорий этиш, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларини телефонлаштириш ишлари давом эттирилади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа вилоятларда 72 та қишлоқ телефон станцияларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари бошланди.

Жорий йилда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 9 та йирик лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Тошкент-Бухоро телекоммуникация тармоғи ва ТрансОсиё-Европа оптик толали алоқа линиясини кенгайтириш, Андижон-Ўш (Қирғизистон), Қўнғирот-Бейнов (Қозоғистон), Денов-Турсунзода (Тожикистон), Термиз-Ҳайратон (Афғонистон) йўналишларида халқаро алоқа линияларини қуриш шулар жумласидандир. Шунингдек, Тошкент-Фарғона водийси йўналишида рақамли радиореле линиясини, DWDM/SDH/IP/MPLS технологияси негизида Тошкент шаҳрида маълумотлар узатиш тармоғи, қишлоқ жойларда радиодан симсиз фойдаланиш тармоғини кенгайтириш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун компания ўз маблағларидан ташқари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси инвестициялари ва Хитой молия муассасаларининг имтиёзли кредитларини жалб этишни мўлжалламоқда.

Бу борада NGN тармоғини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади. Next Generation Network – Келгуси авлод тармоғи – кенг полосали пакетли тармоқ асосида ташкил этилган бўлиб, сифати кафолатланган кўплаб турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этишни ва фойдаланувчининг глобал мобиллигини таъминлайди. Бошқача айтганда, бу видеотелефон, видеоконференциялар, Интернетдан тезкор фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, жумладан рақамли каналларни ижарага бериш, IP-телевидение, мультисервис корпоратив тармоқлар, IP-телефония, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, масофадан туриб ўқитиш, комплекс телематик тизимлар каби кўплаб қўшимча хизматларга эга маҳаллий, шаҳарлараро ҳамда халқаро телефон алоқасидир.

Компания мутахассислари қайд этганидек, мамлакатимизда анъанавий телекоммуникациялардан NGN тармоғига ўтиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, замонавий транспорт инфратузилмаси ташкил этилди, тармоқларни рақамлаштириш ниҳоясига етмоқда, абонентлар фойдаланадиган тармоқлар реконструкция ва модернизация қилинмоқда, NGN тармоғи ускуналари ўрнатилмоқда.

Телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш, алоқа тармоғини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириш учун шароит яратиш 2009 йилдаги устувор йўналишлар ҳисобланади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ХС «SANOATQALINQOG'OZSAVDO» ОАЖнинг КЎЧМА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШОХОБЧАЛАРИ

миқдори **50 кг.дан кам бўлмаган** макулатура (қоғоз чиқинди)ларини уйингизга бориб, **ҳар бир килограммини 180-200 сўмдан** қабул қилиб олади.

Макулатура топшириш шаҳар экологияси ва тозалигини яхшилайди ҳамда «SANOATQALINQOG'OZSAVDO» ОАЖнинг ишлаб чиқариш қувватини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

*Ҳурматли пойтахтликлар! Сизларни макулатура топширишда фаол иштирок этишга чорлаймиз.*



**Маълумот олиш ва буюртма бериш учун соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 293-03-80, 293-33-78.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаев кўчаси, 56-уй.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ
мажлислар зали ва кириш қисми капитал таъмирланиши муносабати билан
**тендер танлови эълон қилади.**
*Танловда қатнашиш учун таклифлар газетада эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.*
**Мурожаат учун телефонлар: 233-66-36, 236-28-55, ички телефонлар: 1-15, 2-05.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИВ/ОИТС, СИЛ ВА БЕЗГАККА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОТИБИЯТ

ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жамғармаси 9-раунд доирасида грант талабномаларини қабул қилишини маълум қилади.

ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи котибият қошида ишчи гуруҳи ташкил қилинган.

Сизни қизиқтирган саволлар ҳамда қатнашиш таклифи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни котибият қабул қилади.

Талабнома таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 10 апрелгача давом этади.

Талабнома шартларини Глобал жамғармасининг http://www.theglobalfund.org интернет сайтидан олиш мумкин.

**Талабнома таклифларини ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи котибиятнинг қуйидаги манзилига юборишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 46-уй, 7-қават ёки котибиятнинг электрон почтасига: ccm@gfaids.uz**

Маҳсулот сертификатланган
предприятие UZBARRELPRODUCTION Совместное
ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ
*Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқарувчилардан бири*
*Европа стандарти*



СП "EKONORDRAGMET"
Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси, 12. Сайт: www.uzbp.uz e-mail:uzpb@mail.ru
Тел./факс:(99871) 252-56-01, 252-74-14, 256-41-41

OOO "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф.: 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф.: 5-59-87, 416-90-06.
E-mail: chts.uz@mail.ru

ООО "Росагропромснаб" предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые "Гобой-1"
Цена - от 1 365 000 сум.



ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.
Товар сертифицирован
т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

TURONIMPEKS SERVIS
VOLVO корпорациясининг расмий вакили
сизга Volvo русумидаги замонавий юк автомобиллари, қурилиш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртма асосида етказиб беришни таклиф этади.



Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 1-уй.
Тел.: +998 71 120-66-20. Факс: +998 71 120-66-30. E-mail: volvotruckuz@buzton.com


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ортиқовга волидаи муҳтарамаси
**БИБИСУЛУВ онанинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси жамоаси жамғарма раиси Амирқул Каримовга падари бузруквори
**РАЙИМҚУЛ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси институтнинг олий тоифали шифокори
**Муратхон СУЛТОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

